

МЕНТАЛИТЕТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИДА МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКНИ ЎРНИ ВА ТАРИХИ

Бўриев Мансур

Тошкент кимё технология институти.

“Ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақала миллий идентиклик мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳамда идентикликни тарих, миллий идентикликни шаклланиш жараёни тарихи ва у ҳақида берилган фикр мулоҳозалар таҳлил этилган. Шунингдек, миллий менталитет ва идентиклик трансформациясидаги ижобий ва салбий таъсирлар, ҳамда “оммавий маданият”нинг ёйилиши сабаблари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўз: трансформация, миллий менталитет, миллий идентиклик, маданият, маънавий, қадрият, “оммавий маданият”.

Аннотация: В данной статье раскрывается сущность национальной идентичности и анализируется история идентичности, история процесса формирования национальной идентичности и представленные о ней мнения. Также обсуждаются положительные и отрицательные последствия трансформации национального менталитета и идентичности, а также причины распространения «массовой культуры».

Ключевые слова: трансформация, национальный менталитет, национальная идентичность, культура, духовность, ценности, «массовая культура».

Annotation: This article reveals the essence of national identity and analyzes the history of identity, the history of the formation process of national identity and the opinions given about it. Also, the positive and negative effects on the transformation of national mentality and identity, as well as the reasons for the spread of "mass culture" are discussed.

Key words: transformation, national mentality, national identity, culture, spirituality, value, "mass culture".

Бугунги дунёда глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари кескинлашаётган, жамиятда интеграция ва ахборот технологиялари (айниқса сунний интеллект) жараёнлари кучаётган бир пайтда миллий идентикликни сақлаш ва муаммоларини ўрганиш ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Глобал ўзгаришлар халқлар маданиятига, миллатларнинг менталитетига ва миллий идентикликка салбий таъсирлар этишиши билан бирга кечмоқда, булар маданий-маънавий жиҳатдан ўзини ўзи рўёбга чиқариш, миллий қадриятлар ва давлат

манфаатларини сақлаб қолиш истагини келтириб чиқармоқда. Халқ ўзига хослигининг йўқолиши хавфи оқибатида миллий идентикликни сақлаш зарурати пайдо бўлмоқда. Шу сабабдан миллий идентикликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган тарихий, фалсафий, социологик каби тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Идентикликни тадқиқ этган олимлар унга қуйидагича тарифлар беришида. Рус олимаси Лидия Шнейдер – “идентиклик кичик социал гуруҳлар, синфлар, худудий бирликлар, этник ва миллий гуруҳлар, халқлар, социал ҳаракатлар, шунингдек, давлат ва глобал миқёсда бутун бир инсоният билан боғлиқ тушунчадир. Бунда инсон социал муносабатлар тизимидаги маданий субъект, ёки агент (ташувчи) сифатида ўзини идрок этади, ҳис этади ва баҳолайди. Социумда инсон бир пайтнинг ўзида ўзини бир неча социомаданий бирлик ва гуруҳлар билан идентификациялаши мумкин”¹ деб тариф берса. Яна бир рус олими Олег Степаненко идентикликни маданий-миллий идентиклик ва фуқаровий-сиёсий идентликка ажратди. Унга кўра “маданий-миллий идентиклик асосини – анъаналар, урф-одатлар, диний эътиқод, тил умумийлиги қамраб олади. Фуқаровий ва сиёсий идентикликнинг шакллари эса социумда истиқомат қилаётган аҳоли қатламининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти ривожланиши билан боғлиқ бўлган интеграллаштирувчи омил, яъни жамоавий идентиклик ташкил этади”² деб ҳисоблайди.

Америкалик немис психологи Курт Левин ўзининг “майдонлар назарияси” таълимотида идентикликни субъект - индивид, давлат, атроф-муҳит фазоси ва ҳаёт фазоси орқали шакллантириб ва моделлаштиради. Хамда география, тарих, дин, тил, мафкура ва бошқа шу каби унсурларни таяниб миллий идентикликни тадқиқ этади³. С.Шульман эса миллий идентиклик учта жиҳатга ажратилиб тадқиқ этиди. Булар, этник идентиклик, фуқаролик идентиклик ва маданий идентиклик тузилмаларига ажратиб тадқиқ этади⁴. Умумий маънода тариф берсак, идентиклик миллат ижтимоий, маданий ривожланиши ортидан пайдо бўлган, яхлик тузилмага дахлдорлик, яъни инсонни шу тузилнинг бир қисми эканлиги ва унинг таркибида муайян ўринга эга эканлигини англашни билдиради. Идентиклик шахсга ўз эҳтиёжларини қондириш ва жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам беради ва жамиятда ёлғизлидан халос этади.

Юқоридаги фирklar келиб чиқиб, миллий идентиклик – бу инсон ўзи яшаётган ижтимоий бирликнинг қадриятларни онгли тарзда англаши ва шу

1 Л.Б.Шнейдер. “Профессиональная идентичность”. - М.: МОРУ, 2001. – С. 15.

2 О.А. Степаненко О.А. Поиск идентичности как константа немецкой культуры. // Журнал: Вестник Ленинградского гос.унив. им. А.С.Пушкина. 2013. № 7. – С. 80-90

3 К.Левин. Теория поля в социальных науках. СПб., 2000. – С. 67-68

4 С.Шульман. “Критика противопоставления “гражданский-этнический” и “восточный-западный” в изучении национализма. // Журнал Вопросы национализма. 2015. № 2 (22). – С. 46

асосда ҳаёт йўлини белгилаши, инсоннинг мақсад ва интилишларини миллат манфаатлари билан бирлашишидир.

Мамлакатимиз мустақиллик эришгач, миллий кадриятлар ва урф-одатларни қайта тиклашга ва уларни жамият ҳаётига тадбиқ этишга эътибор қаратди. Бунинг сабаби эса жамиятда миллий идентикликни сақлаш, фуқаролар ва ўз халқи ва миллати яратган маънавий бойликлардан фахрланиш туйғусини яратиш, шу орқали миллатнинг бирликни таъминлаш эди. Миллий идентиклик тушунчаси Ўзбекистонда охириги йилларда эътибор қаратила бошланган, миллий ўзлик ва бирликни таъминлайдиган илмий атамалардан бири ҳисобланади. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан - “миллий ўзлгимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш” 5ни рағбатлантиришга оид вазифалар белгиланди. Мустақиллик сабаб миллий идентиклик, миллий ўзликни англаш ва буларни жамиятдаги ўзгаришишларга таъсири, ижтимоий тузилмалар эволюциясини, идентиклик феномени ва шу каби тадқиқотларнинг долзарблиги муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда миллий идентикликни шаклланиш жараёни тарихига назар ташласак. Маънавий кадриятларнинг қайта тикланиши даврида, ўзбек халқининг маданий ва маънавий келиб чиқишини объектив ўрганиш шароитида археологик ва этнографик тадқиқотларда натижасида Марказий Осиё халқларининг дунёқараши, маданияти урф-одат, тили ва бошқа хусусиятлари, яъни миллий ўзлигини шаклланишини бизнинг бир неча асосий омилга ажратдик. Биринчиси зардўштийлик, буддавийлик, христианлик, ислом каби динлар кечган ижтимоий омили. Иккинчиси сиёсий омил, яъни, илк давлатчиликдан (Қадимги Хоразм, Бақтрия, .., Чор Россия, Собик СССР) бугунги мустақиллик йилларини ўз ичига олган даврлар. Учунчиси, илм – фан омили, яққол номоён бўлиши Уйғониш даври. Маълумки, Марказий Осиёдаги Уйғониш давларида табиий ва ижтимоий билимларнинг ривожини миллий идентикликни ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди, яъни, ижтимоий, гуманитар тадқиқотлар ва асарларда инсон қалби ва тафаккури моҳияти фалсафасий таҳлил этилди. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги жадидчилик харакати сабаб миллий тафаккур, ўзликни англаш масалари чуқурлашди. Собик Иттифоқ даври, яъни миллий зиёлиларнинг қатоғон қилиниш ортидан пассивлашив қолган бу жараён, XX аср охири ва мустақиллик йилларида яна фаоллашди. Бундай вазиятлар сабаб, юртимиз ҳудудида азалдан яшаб келаётган элатларнинг миллий идентиклиги, маданияти, урф-одатлари, расм-русумлари, тили ва бошқа хусусиятларида ривожини бир текис

5 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 28-12-2018.
<https://president.uz/uz/lists/view/228>

кечмади, тур хил ўзгаришлар орқали рўй берган. Мустақиллик сабаб халқимиз миллий қадриятлари, урф-одатларини тиклаш билан биргаликда миллий идентиклигини англамоқда.

Тил масаласига кўрадиган бўлсак, тил миллий идентиклик кўрсаткичи, халқнинг муайян тафаккури ва менталитетини шакллантириш воситасидир. Тил маълумотларни қайта ишлаш элементи сифатида маданий ва адабий меросни ўз ичига олади ҳар бир халқ учун асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Тил миллатни бирлаштирувчи кучли механизм бўлиб, миллий менталитетни трансформациясида миллий идентикликни сақлашда муҳим омилдир. Лекин сўнги йилларда жамият ҳаётига чет тилларини ўрганиш асосида бузғунчи ғояларни тарғиб этиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Масалан айрим хусусий ўқув марказлари ва мактабларда “араб тили” ва “тарбия” дарслари ниқоби остида ўқувчиларга диний муаттисиклик, радикализм, дунёвийликка тоқатсизлик, экстремизм каби қараш ва ғоялар сингдирилмоқда. Буни оқибатида “онгсиз”ланган ёшлар орасида Сурия, Ироқ каби мамлакатларга (хатто ўз оилари билан) бориб жангарилар сафига қўшилишишмоқда. Ёки ёш ўғил-қизларни (10-15 ёш орлиғида) Мисрдаги яширин ҳужраларга диний таълим олиш учун юбориш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Бу “таълим” олиш жараёнлари давлат хавфсизлиги, жамият тинчлиги учун нақадар хавфли эканлиги мустақилликнинг илк йилларида “воқеалар” далилдир. Буни ўз вақти англаган ҳукумат Ўзбекистондаги хусусий таълим даргоҳларида “араб тилини ўргатиш” баҳонасида экстремизм ва демократик қадриятларга нафратни ўқувчилар онгига сингдирилишига қарши чора-тадбир олиб бормоқда.

Тан олиш керак, мамлакатимизда диний эркинликдан ғаразли мақсадда фойдаланган айрим “дин тарғиботчилари”, яъни Ўзбекистондаги болалар ҳуқуқлари ва эркак хотин тенг ҳуқуқчилигини кафолатлаган конституция нормаларига зид равишда фуқаролар орасида “шариат асосидаги жамият” қуриш каби қарашлар тарғиб қилинмоқда, бу сўнги вақтда жамият ҳаётида кўп учраётган кўп хотинлиликда кўришимиз мумкин. Унинг оқибатида қонуний никоҳсиз туғилган болалар сони ҳам ошган. Хусусан, 2022-йилда республика бўйича 18 955 та ҳолатда туғилган чақалоқлар ёлғиз она аризаси асосида қайд этилган. 2021-йилда ушбу кўрсаткич 19 037 тани, 2020-йилда 16 564 тани ташкил қилганб. Натижа отасига қонуний фарзанд бўла олмаган, хатто ота тарбиясини олмаган ёшларни аламзада, радикал. жиноятчи бўлиб вояга етмаслиги кафолат йўқ, энг қизиғи биологик ота болага қонун нуқтайи назаридан жавобган эмаслиги ортидан жавобгарликка ҳам тортилмайдм.

6 <https://daryo.uz/2023/09/05/ozbekistonda-qoshxotinlikni-targib-qilganlik-uchun-javobgarlik-belgilanmoqda>

Шубҳасиз, бу фактлар билан оналарга хурмасизлик қилишдан йироқмиз, яъни жамият модернизацияси, менталитет ва миллий идентикликни ривожланишида ўзига хос янгиликларни киритади. Ўзбекистонда миллий меросни асраб-авайлашга, анъаналарни оммалаштиришга билан бир вақт умуминсоний қадриятлар гендер тенглиги масаласига ҳам эътибор қаратилган, чунки аёлларни миллий идентикликни сақлаш ва ривожлантириш, миллий ўзини ўзи англашда “келажак авлод тарбиячиси” сифатида ўрни беқиёс.

Миллий менталитет ва идентиклик трансформациясига яна бир салбий таъсир яъни, оммавий маданиятнинг ёйилишига яна бир сабаб “истеъмолчиликка сиғиниш”га бевосита боғлиқ, маънавий-ахлоқий қарашларнинг ўзгариши, миллий қадриятларнинг емирилишига олиб келмоқда. Оқибатда инсоннинг маънавий ва маданий ўзига хослигини ўрнини моддий неъматлар белгилайдиган бўлиб бормоқда. Шунинча ачинарлиси менталитет трансформация натижасида миллий қарашларимизда ўнлаб китоб ёзиб жамиятга ривожига фойдаси теккан олимдан, билимсиз, маънавийсиз бўлса ҳам лекин мулкдор инсонларни юқори маъвоқейга қўйиш ҳам учраб турмоқда.

Инсоннинг маънавий ва маданий ўзига хослигига яна бир таҳдид бу ижтимоий ва маънавий бегоналашишдир. Бунга сабаб, замонавий технологиялар ва ижтимоий тармоқлар таъсири туфайли бегона маданият, анъаналар, ғоялар ягона қадрият сифати “истемол” қилмоқда ва шахс маънавий ривожланишида жиддий ўзгаришлар содир этмоқда, бу миллий менталитет ва идентикликда салбий ўзгаришни олиб келмоқда. Жамият аъзоларининг ўз ҳаётий қадриятларини миллий анъана ва қадриятлар билан билан боғламаслиги ортидан маданий қарама – қаршилик вужудга келади. Бунда “Оммавий маданиятни” жамият Ғарб маданиятини, юқори турмуш даражасини қадрият деб билади, бу эса янги икки қутбли ахлоқнинг (Ғарб ва Шарқ) шаклланишига олиб келмоқда. Натижада шаснинг маънавий дунёсининг қашшоқлашишига олиб келади. Тўғри ҳозирги вақтда таълимда, матбуотда, телевиденияда ва в.х орқали оммавий маданиятга қарши кенг миқёсда қраши кураш олиб борилмоқда. Бизнинг фикримизча оммавий маданият ҳақидаги жамиятнинг тушунчалари чекланганлиги сабабли бу “қарши курашни” самараси юқори бўлмоқда деб айта олмаймиз. Кўпчилик оммавий маданиятни олдини олиш учун фақат қарши курашиш, муаммога ечим деган фикрдалар. Аксинча маънавий, маданият тизимида ёшларга таълим беришнинг инновацион йўллари билан самарали фойдаланиш, ноанъанавий усул ва воситалар орқали маданиятимиз намуналарини кенг кўламда ўргатиш, уни ортида миллий идентикликни сақлаб қолиш ва “бегона маданиятга” қарши курашиш мумкин. Акс холда миллий менталитет трансформациялашувни йўналиши нотўғри ўзанга бурилиб кетиши, миллий қадриятлар ўрнини “бегона қадриятлар” эгаллаши мумкин.

Фуқароларда миллий идентикликни сақлаб қолиш ва бу орқали менталитет трансформацияси вужудга келиши, тараққиётни юз беришида фақат миллат тарихи, қадрияти ва дини эмас, унинг жамият ҳаётидаги синовлар йўлидаги бирлаштирувчи “кучи” ҳам катта роль уйнаши билан боғлиқдир. Бунда тарих сабоғидан тўғри хулоса чиқариш ва келажакни тўғри ташкил қилиш тамойили бош мақсад бўлиб шаклланади, гарчи фожеали бўлсада “2001 йилнинг 11 сентябри воқеалари Америка идентиклигини қайтариб берди. Америкаликлар ўз юртига хавф хатарни, таъсир этиши мумкин бўлган нотинчликни сезар эканлар, бу идентиклик баланд даражада сақланиб қолаверади”⁷. Бунда миллий идентикликнинг асосий хусусияти жамият руҳида ишонччи ҳосил қилиб, “биз қодирмиз!”, деган тушунча пайдо бўла олди. яъни, “сиёсий манфаат, давр руҳини жамоа онгида тезкор идрок қилиниши, моддий бойликлар истикболи ва тақсимоти, етакчи диний қарашлар интеграциясини тўғри йўлга солинишини бошқара олади”⁸. Миллий идентикликнинг бирлаштирувчи “кучи”ни ҳосил қила олган мамлакат - бу идентиклик нуқтайи назаридан иқтисодиётни, сиёсатни, армияни, миллий таълим тизими, илм-фан ҳамжамиятни ва в.ҳ ягона мақсад ва манфаат йўлида бирлашиши муқаррар. Албатта халқамизни тараққиёт йўлида “ягона куч” бўлиб бирлишишига юқоридаги каби фожеаларни асос бўлишини истамаймиз. Халқимизни “ягона куч”га бирлашиши жараёни миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган бўлиши миллий манфаатларимизга мосдир. Шунингдек, аждодлар маънавияти асосида миллий ўзликни сақлаган холда, бугун дунё тараққиёти “меваларини” ўзлаштириб ва ҳаётга тадбиқ этиш ортидан бугунги модернизация ва трансформация жараёнларини жадаллаштириш зарурий тўғри йўл деб биламиз.

Шунингдек, миллий идентиклик амалий жараёнда, шахс ўзини жамият билан миллий идентификация, яъни, ўзининг маълум бир миллатга мансублиги англаши ўзини-ўзи идентификациялашнинг муҳим элементиدير. Бунда инсон миллатпарвар, (миллатчи, шовинист эмас) ватанпарвар шахс қиёфаси киради. Ўзбек халқининг миллий идентиклик амалиётда намоён бўлишини азалдан ўзига хос бўлган фазилат, хусусиятларда, яъни, халқни жамоавий, яъни жамоа бўлиб яшаш анъаналари (махалла институти), хамжихатлик, умумий масалани биргаликда, яқдил бўлиб ҳал қилишга уриниш(ҳашар), жамоа, махалла фикрини ҳурмат қилиш, унга қарорлар қабул қилишда (масалан, ёшларнинг бошини қовуштириш, никоҳ ва ҳ.к) таяниш ва бошқа фазилатлари исботдир. Буни Ш.Мадаева миллий идентлик деганда ҳаёт тарзида муайян стереотиплар

7 С.Хантингтон. “Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности”. – М.: «Транзиткнига», 2004. – С. 16.

8. Заковоротная М. В. Идентичность человека. Социально-философские аспекты. Автореф. дис. на соиск. уч. ст. док. философ. н. Р / Д., 1999.-С.27.

шаклланиши билан боғлайди.⁹ Гарчи жамият хаётида юқорида таъкидлаганимиздек, истеъмоличликка сифиниш, оммавий маданият сабаб бегона мадания, қадриятлар мойиллик ва в.х ёшлар орасида учраб турсада, ёши улуғ авлод сабаб халқимизда юқоридаги фазилатлар хозирда ҳам ўз мавжудлигини сақлаб қолмоқда ва ижобий трансформацияга учрамоқда. Шу сабабдан халқимизга индувализм, эгоизм психологиясига асосланган Ғарб демократияси, ахлоқ чегарасидан чикувчи эркинлик ва демократия руҳиятига асосланувчи менталитет тўғри келмайди. Ҳар бир ўзбекда уят, номус, хаё деган тушунчалар борки, уларнинг вектори жамоавийликка асосланган ва унга қаратилган.

Зеро якка шахс идентиклиги билан бутун бир миллатни, халқни миллий идентиклигига баҳо бериш холлари ҳам учраб. Маълумки, менталитет, миллий идентиклик халқ, миллатни умум хусусиятларини акс эттирса, идентиклик эса аниқ шахс хусусиятларини акс эттира. Масалан, ўзбек халқи ичида тўғри ҳам, ўғри ҳам, ахлоқли ҳам, ахлоқсиз ҳам, эътиқот нуқтайи назаридан, мўтадил ҳам, радикал ҳам мавжуд. Улар барчаси ушбу халқ, миллат вакили. Конкрет ифодаланса “идентиклик” – инсон паспортидир. Идентикликда миллий мансублик ҳам акс этади. Зеро, у муайян мамлакат фуқароси ҳисобланади. Масалан, жангари ИШИД сафларида хизмат қилаётган ўзбек миллат вакиллариининг маънавиятини, барча ўзбек миллат вакиллариининг маънавиятини, барча ўзбек халқининг ифодаси, дейиш нотўғри. Террорчи, экстремист ҳам ўзбек халқининг таркибида бор (ҳар бир миллат таркибида вайронкор ғоялар таъсирига тушиб қолган инсонлар мавжуд), бироқ у миллатнинг туб миллий фазилатларини ифода эта олмайди.

Лекин буни нотўғри тушиниб ва талқин этувчилар ҳам учраб туриши ачинарли, масалан 2016 йил август ойида Республикачилар партиясидан АҚШ президентлигига номзод Доналд Трамп Мен штатидаги митингда чиқиши вақтида Ўзбекистонни террорчи-давлатлар сафига қўшган¹⁰. Гарчи бу сўзларнинг қонуний кучи мавжуд бўлмасада, лекин дунё ҳам жамиятида давлатимиз ва халқимиз обрўсига салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис идентиклик шахсни у ёки бу жамиятга, давлатга мансублигини ифодалайди, асло бутун давлат ёхуд халқни эмас. Масалан, Истамбулда 2015 йил бўлиб ўтган террорчилик воқеасида этник ўзбеклар вакили маълум бўлган бўлса-да ушбу шахслар ўзбек халқи менталитетини асло ифода эта олмайди. Шу ўринда Ш. Мадаеванинг идентикликни табиий ва сунъий шаклларга ажратиши реал воқеъалик нуқтаи назаридан тўғри ва асосли деб ҳисоблаймиз.¹¹

9 Ш.Мадаева. “Идентиклик антропологияси”. –Т.: “Noshir”. 2015. 33-бет.

10 <https://oz.sputniknews.uz/20160810/3505818.html>

11 Ш.Мадаева. “Идентиклик антропологияси”. –Т.: “Noshir”. 2015. 33-бет.

Шун ҳам ҳисобга олиш кера-ки, миллат характери ва менталитетни ижтимоий, маънавий жиҳатдан англаш ҳам миллий идентикликнинг яна бир хусусияти ҳисоблана, ўзликни англаш миллий идентикликни бир қисми ҳисобланади. Шу сабабдан миллий идентиклик ўзида миллий менталитет ва миллий ўзликни англашни ўзида мужассам этади ва менталитет трансформацияси жараёнида бу тушунчаларни бир-биридан ажратган ҳолда кўриш мумкин эмас

Юқоридаги фикр ва мулоҳозалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, миллий идентикликнинг шаклланиши макон ва замон кенглигида рўй беради ва бу жараён узлуксиз даом этади, бунда барча тарихий, диний, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар таъсиради ҳар бир халқнинг миллий қиёфаси (менталитети, миллий ўзлиги, миллий идентиклиги) пайдо бўлади ва замон (глобаллашув, модернизация) таъсирида трансформацияга учрайди. Халқмизнинг фалсафий-тарихий меросида миллий идентиклик ҳақидаги тасаввурлар илк диний қарашдан бошланиб, янги билим, янги кўникма ва янги дунёқарашни ўзлаштирган ҳолда узоқ йўлни босиб ўтган ва давом этмоқда. Шу сабабдан бугунда ҳам халқимиз ҳаётида миллий идентиклик, миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, маросимлар каби маънавий меросларимиз муҳим аҳамият касб этади. Буни халқимизни турмуш тарзида ва ижтимоий табиатга эга муносабатларида кўришимиз мумкин бўлади.

Менталитет трансформациясида миллий ўзлгимизни, идентиклигимизни сақлаб қолиш учун аждодларимиздан мерос қолган маънавий ва моддий мерослар, қадриятлар, урф-одатларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, ҳамда такомиллашувига давлат ва жамият тарафидан алоҳида эътибор қаратиш лозим. Юқоридаги сабаблар ордидан ҳар бир фуқаромизда миллий идентиклиги мустаҳкамлади ва тинчликка, хавфсизликка соя соладиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, тарафкашлик, миллатпарастлик пайдо бўлмайди, миллий ғурур, миллий ифтихорни англаган ҳолда бошқа миллатларни ҳурмат ҳам қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мадаева. “Идентиклик антропологияси”. –Т.: “Noshir”. 2015.
2. С.Хантингтон. “Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности”. – М.: «Транзиткнига», 2004.
3. Заковоротная М. В. Идентичность человека. Социально-философские аспекты. Автореф. дис. на соиск. уч. ст. док. философ. н. Р / Д., 1999.
4. О.А. Степаненко О.А. Поиск идентичности как константа немецкой культуры. // Журнал: Вестник Ленинградского гос.унив. им. А.С.Пушкина. 2013. № 7.
5. К.Левин. Теория поля в социальных науках. СПб., 2000.
6. Л.Б.Шнейдер. “Профессиональная идентичность”. - М.: МОСУ, 2001.